

## ОДОБ ВА ГҮЗАЛ ХУЛҚНИНГ АҲАМИЯТИ

Оилада фарзандларни түғри тарбиялаш масъулият, онглилик, виждон каби фазилатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда ота-онанинг ўзаро самимийлиги, уларнинг фарзандлари билан яқин, дўстона муносабатда бўлиши, келажакдаги орзу-мақсадларини тушуниб, соғ-саломат вояга етишлари учун асос бўлади. Инсон тарбия жараёнида яхши хулқ-атворга, одатларга ва ақл-фаросат омилларига эга бўлса, ҳаёт сабоқларини шунчалик яхши англайди ва яхши ишларни амалга оширади. Ва аксинча, қанчалик тарбияси кам, ҳаётий кўникмалари оз бўлса, бундай шахс баъзан билиб ёки билмай ёмон ишларга қўл уради. Ҳеч қачон болаларни тарбиялашда йўл қўйилган хато-камчиликлардан кўз юммаслигимиз керак. Ҳозирги турмушимизда баъзи бир одобсиз, билимсиз, ақлсиз, гиёхванд, ота-онасига қўл кўтарадиган ва ўз болаларининг баҳтсиз яшашига сабабчи бўлаётгтан кишилар учрайди. Бундайларнинг пайдо бўлишига асосий сабабчи ота-оналари-ку? Боласининг инсоний хатти-ҳаракатларига уларнинг тарбияга лоқайдликлари сабаб бўлган. Яхши тарбия, баъзилар ўйлаганидек бир соатлик ёки бир кунлик иш эмас. Мақсадли тарбия тарбиячидан чидам, матонат, катта билим ва тажриба талаб қиласди. Демак, ҳар бир ота-она ва ўқитувчи тарбияга оид билим ва малакага эга бўлиши шарт. Тарбиянинг асосий мақсади ёшларни баҳтли-саодатли, ўз замонининг азиз, ҳурматли ва фидоий кишиси қилиб тарбиялашдан иборат. Мураккаблиги шундаки, у ҳеч қачон тугамайди, яъни киши туғилганидан то ўлгунига қадар зарур бўлади. Бундан ташқари, бир тарбия кўрган авлод ўрнига келган фарзандларни яна қайта бошдан тарбия қилиш зарур бўлади. Бу эса тарбиянинг тинимсиз даврийлигини ва абадийлигини кўрсатади. Ислом таълимотига кўра, фарзанд ота-она зиммасидаги омонат бўлиб, улар бу омонат ҳақида масъулдирлар. Фарзандлар тарбиясига эътиборсизлик улкан хато, омонатга хиёнат ва киши динининг нуқсонидир. Ота-она фарзандининг биринчи мураббийидирлар. Абу Ҳомид Ғаззолий фарзанд тарбияси ҳақида шундай фикрларни билдиради: “Билгин! Бола тарбияси энг муҳим ишлардандир. Фарзанд ота ва онага омонат. Бола қалби пок, нозик, содда ва ҳар қандай нақш ва суратдан холи гавҳардир. Унга қандай нақш солинса, шунга кўра шаклланади, эгган томонга эгилади. Агар бола яхшиликка ўрганиб, яхшилик ичидаги вояга етса, дунё ва охират саодатини топади. Албатта бу савобга унинг ота-онаси, муаллими ва унга тарбия берган ҳар бир киши шерикдир. Агар бола эътиборсиз ташлаб қўйилса, ёмонлик ичидаги ўсса, бадбахтликка юз тутади ва ҳалок бўлади. Бунда гуноҳ юки шу кўйига солғанларнинг, ота-онанинг зиммасига юкланади” дейди. Тарбиянинг икки асоси бор: фазилатни қўриқлайдиган гўзал аҳлоқ ва ярамас йўлдан, ёмон аҳволга тушишдан сақлайдиган ҳушёрлик. Ота фарзандини дунё оловидан қанчалик ҳимоя қиласа, охират оловидан ундан-да кўпроқ ҳимоя қилмоғи керак. Фарзанд тарбияси қанчалик эрта бошланса, тарбия натижаси шунчалик самарали бўлади. Аммо бунинг учун кўп меҳнат сарф қилишга түғри келади. Мана шундай мashaқатли мөхнатдан қочмайлик.

**Абдуқаҳор АБДУОЛИМОВ,  
Риштон туманидаги  
Мағфират масжиди имом ҳатиби.  
“Мехр ёғдуси” газетасидан олинди**

2019-12-19 15:42:53